

Мусулмонлар шифокорларга ош тарқатмоқда



12:00 / 06.03.2021 2068

Волжскдаги масжид ходимлари шаҳар касалхонасидаги шифокорларга 100 дан ортиқ ош тайёрлаб беришди. Бу ҳақда islam.ru манбаси хабар берди. Улар ҳар куни шаҳар аҳолиси ҳаётини сақлаб қолаётган шифокорларни қўллаб-қувватлаш учун доим шу режада тизимли иш олиб боришни ният қилишмоқда.

Телесом ТВ Волжск телеканалининг берган маълумотига кўра, шарқ таомларини тайёрлаш учун 18 кг сабзи, 17 кг гўшт, 16 кг гуруч, шунингдек пиёз, кунгабоқар ёғи ва зираворлар зарурлигини хабар қилди. Ош тайёр бўлгандан сўнг, у алоҳида идишларга қадоқланиб, янги сабзавотлар қўшилиб, Волга шаҳар касалхонаси шифокорларига етказиб берилмоқда.

Хуршид Маъруф тайёрлади